

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



● 2006-yil ● 27-iyun ● Seshanba ● 73 (27.565) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan



## КЎҚОННИНГ ЯНГИ СТАДИОНИ



Суратларда: участка бошлиги М.Алиев, монтажчилар А.Қобилов ва М.Жўраев; уйингоҳ қўринишдан лавҳа.

**И**стиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги бино ва иншоотлар куриш борасидаги кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўқон шаҳрида қад ростлаётган Хусанхон Муҳиддинов номидаги марказий стадионда айниқса, иш қизгин. Кўқон механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари билан бир сафда меҳнат қилаётган «Курувчи» масъулияти чекланган жамияти, «Саномонтаж» ва «Ўзнур» курилиш корхоналари ишчилари иншоотни ўз вақтида, сифатли куриб битказишга бел боғлаган.

— Ун минг ўринли мазкур стадион жаҳон андазаларига тўла жавоб берадиган лойиҳа асосида барпо этилмоқда, — дейди шаҳар бош меймори Назрулла Аҳмедов. — Конференция ва спорт зали, дам олиш хонаси, меҳмонхона ва тиббиёт хоналари спортчилар хизматида бўлади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири



М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ВА БАНК

**БУХОРО** (ЎЗА мухбири Э.ЁДГОРОВ). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар орасида хотин-қизлар тобора қўлаймоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга салкам 2 миллиард сўмлик кредит берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 138 фоизга кўпдир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Марказий банк ҳамкорлиқда, тадбиркор

аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишлаб Пешку туманида ўтказган семинарда шу хусусда сўз борди. Унда шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси ҳудудий бўлинулари раҳбарлари ва ишбилармон аёллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 май куни эълон қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғри-

сида»ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиши алоҳида таъкидланди. Янги банк ажратадиган микрокредитларнинг ўзига хос жиҳатлари ва бу борада хотин-қизлар учун яратилган имтиёз ва қўлайликлар ҳақида батафсил тушуنча берилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

## ҲАМШИРАЛАР ТАНЛОВИ

Яқинда ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши ташаббуси билан шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида «Намунали ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов икки bosқичда ташкил этилди. Биринчи bosқичда ҳудудий тиббиёт масканлари ходимлари ўзаро кўч синашган бўлса, қўйилган шарҳ миқёсида ташкил этилган иккинчи bosқичда ўз маҳоратларини ишга солдилар. Ҳамширалар 7 шарт бўйича беллашиб, қўбилиятларини йиғилганлар олдида намойиш этидилар.

Ва ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Биринчи ўринни иккинчи шаҳар шифохонаси ҳамшираси Шаҳноза Пардинова, иккинчи ўринни биринчи шаҳар шифохонаси ҳамшираси Камола

Рашидова, учинчи ўринни эса шаҳар болалар шифо маскани ҳамшираси Маниша Мирзазаҳидова қўлга киритдилар. Уларга ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг қимматбахш совғалари топширилди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича яна уч нафар иштирокчи «Камолот» ЕИҲ шаҳар кенгашининг совғаларига сазовор бўлди.

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти билан анчадан буён қизиқман, — дейди Ш.Пардинова. — Унинг кўтаратган масалалари долзарблиги, халқчилиги билан кўпчилиكنинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Айниқса, партиянинг тиббиёт ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори бизни жуда қувонтиради. Ўз касбинга янада фидойи бўлишга даъват этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## МУСТАҚИЛЛИК ҚИШЛОҒИДА

Учқўрғон Наманган вилоятидаги йирик туманлардан бири. Унинг Қирғизистон тоғликлари билан туташиб кетган сарҳадларида бир қишлоқ бор. Номиди Муस्ताқиллик. Қишлоқдагилар билан суҳбатлашсангиз, завқланиб қетасиз. Улар Самарқанддаги тиббиёт институти ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Тоҳиржон Шодиев, пойтахтда фаолият юритаётган, кимё фанлари доктори, профессор Сайфиддин Нуриддинов, яна бир тиббиётчи олим — Райимқул Тиллабоевлар шу ғўшада туғилиб ўсганини ифтихор билан сўзлаб беришади. Қишлоқдаги 27-ўрта мактаб истиқлолдан сайқал топган эски мактабларидан. 1932 йилда 140 ўринли бошланғич таълим маскани сифатида иш бошлаган мазкур мактаб 1991 йилда 422 ўринли янги бинога кўчиб ўтган.

«Шўхрат» медали нишондори Раҳмонбек Ачиллов раҳбарлик қилаётган мактабнинг 44 нафар педагогик жамоаси жуда аҳил, ўқувчилари интилувчан.

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг масъул ходими Анваржон Насриддинов ҳамда туман кенгаши раиси Дилшод Зайниев туман ички ишлар бўлими вакиллари иштирокида мазкур мактабда бўлиб, 42 нафар йигит-қизга фуқаролик паспортини тантанали топишдирилди. Паспорт топишириш маросими бутун қишлоқда байрамга айланди. Уларнинг орзу-истакларини ҳажон билан измор қилган ёшларга паспорт билан бирга ХДП вилоят кенгашининг эсдалик ёрликлари ҳам тақдим этилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

## «ҚИЗИЛҚУМ САХОВАТИ» ШАРБАТЛАРИ

Навоий шаҳридаги «Қизилқум саховати» корхонасига Швециянинг «Swe Rvs Group AB» молиявий компанияси билан ҳамкорликда замонавий технология ўрнатилди. Корхонада шу кунларда кунига 200 тонна ўрик шарбати ва 300 тонна помидор қайнатмаси тайёрланмоқда.

Бу ерда мавсум давомида 21 минг тонна мевасабзавотни қайта ишлаш режалаштирилган. Замини-мизда пишиб этилган нёвматлардан тайёрланаётган шифобахш ҳамда мазали шарбатлар асосан экспортга мўлжалланмоқда. Айни пайтда корхонада юздан зиёд ишчи ўз сменада меҳнат қилмоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ**

# «Истиқбол» ёшлари КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**22-23 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг ташаббуси билан «Бугунги кун ёшларида фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифалари» мавзусида республика ёшлари вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти раислари иштирок этди.**

Маълумки, шу йил 15 март куни Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг республика таъсис конференцияси бўлиб ўтган эди. Орадан уч ой ўтди. Бу вақт мобайнида жойларда «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳудудий бўлимлари шаклланиб, улар талай ишларни амалга оширдилар. Айтиш мумкинки, қиска мuddат ичида ёшлар қанотининг фаолияти бўйича ўзига хос тажриба тўпланди. Аммо ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар, муҳокама этилиши керак бўлган масалалар ҳам анчагина.

Тадбир аввалида хайрли ва савобли ишга қўл урилди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида мўъжазгина Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг боғи яратилди. Бу ерга ёшлар ўз қўллари билан анвойи гуллар экидилар. Шундан сўнг боғда ёшлар фестивали бошланди.

Анжуманини Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков очди. Табрик учун сўз партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф ҒУЛОМОВга берилди.

— Бугунги кун ёшлари, деганда биз муस्ताқиллик кашф этган

а асосланган бой ва юксак маънавиятга эга бўлиш демакдир. Ўз мамлакатининг фуқароси ва ватанпарвари бўлиш — бу расмий тушунчалар эмас. Ватанпарвар — ўзи ва атрофдагиларни Ватанга бўлган муҳаббатига ишонтирувчи, мамлакат тақдирини учун масъулиятни ҳис этувчи кишилардир. Улар Ватаннинг гуллаб-яшнаши учун кимдир қайғуришини кутмай, ўзлари бу йўлда ҳаракат бошлашди, бу орқали эса ўзи ва оиласи тўғрисида ғамхўрлик қилиши даркор.

Юксак маърифат ва маънавиятга эга бўлиш халқимизнинг икки буюк анъанасидир. Самарқанд — жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири. У нафақат халқимиз фахри, балки инсоният цивилизациясининг бебаҳо мулки бўлган қўллаб маданнинг ва маънавий анъаналарни бириктирган муқаддас жойдир. Мазкур мавзудаги семинарларни айнан Самарқанддан бошлар эканмиз, биз бунда ХДП ёш фаолларига ушбу буюк анъаналар руҳини, уларнинг меҳри қўллаб-қувватлашимизми? Айрини ҳис қилиш имкониятини бериш лозимлигидан келиб чиқди.

**Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раиси Сўҳрат ХОЖИМОНОВ**нинг «Ҳозирги даврда ёшлар олдидаги им-

кониятлар» мавзусида маърузаси тингланди. Нотиқ ёшлар деганда кимни тушунамиз, ёшлар манфаатларининг муҳофаза қилинишидан авваламбор ким манфаатдор, деган саволлар атрофида батафсил тўхталиди. Хар бир ёш ўзи учун ривожланиш дастурини тузиб олиши, хар бир инсон ўз камолоти учун аввало ўзи қайғуриши лозимлиги борасида фикрларини билдирди. Шундан сўнг мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар бошланди.

**Аҳмаджон МАВЛОНОВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:**

— Биз кўпчина ёшлар муам-

**Жаҳонгир ИБРОҲИМОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:**

— Ёшлар қаноти партияимиз қошида яқинда ташкил топди. Оз бўлса-да, тўпланган тахрибатдан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштиришимиз лозим. Ҳозирги кунда партия кенгашларида «Истиқбол» ёшлар қаноти билан фақат биттагина ходим ишлайди. Аммо, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми жуда катта.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гўлрух АЪЗАМОВ**нинг «Маънавий кадрларнинг ҳозирги кун ёшларига фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдаги ўрни» мавзусидаги маърузаси тингланди. Нотиқ маънавий, миллий, умуминсоний кадрларни тушуналари, ҳаётимизда уларнинг тутган ўрни масалаларига алоҳида тўхталиди. Ийгиликлар эътиборига бир неча муаммоларни саволларни ташлади. Маъруза юзасидан ёшлар ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

**Шўхрат ХОЖИМОНОВ, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:**

— Миллий кадрлар таълимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Чунки, шу заминда яшар эканмиз, хар кунни, хар қадамда унга дуч келамиз. Ота-боболаримиз минг йиллардан буён ардоқлаб, эъзозлаб келаяптими, демак биз ҳам уларни сақлаш, янада ривожлантириш, бойитишга ўз ҳиссамизни қўшимиз шарт.

**Ислом АБДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:**

— Мен устоз ва шогирд анъаналарининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида тўхталмоқчиман. Бундай анъаналар халқимизда узоқ йиллардан буён шаклланиб келмоқда. Назаримда, бу ёшларнинг тезроқ камол топишида масарали усул ҳисобланади. Ёшлар ҳатто ота-онасига ҳам бемалол айта олмайдиган сирларини устозига айтиши мумкин. Чунки, устоз шогирдга нафақат устоз, балки шадокатли дўст, маслаҳаттўй ҳам бўлади. Шунинг билан бирга устоз-шогирд усулини масарали орқали миллий кадрларимиз, анъаналаримиз ҳам авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

**Муҳаммаджон БЕКМУРОДОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:**

— Миллий кадрлар таълимизнинг ҳар бир халқ учун ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланади. Миллий кадрлар таълимизни яқин кўнглимизда ҳам бўлмайди. Тарихдан аёнки, халқимизнинг миллий кадрларига ҳам жуда кўп ҳужумлар бўлган. Аммо, халқимиз уларнинг барчасига бардош берган. Биргина Наврўз байрамини олайлик. Уни нишонлаш расман таққаланган эди. Аммо, 21 март келиши билан одамлар дала-даштларга чиқиб бўлса ҳам Наврўзни байрам қилган. Наврўз, умуман, хар бир кадрларимизнинг тарбиявий жиҳатлари ҳақида соатлаб гапирishi мумкин. Демак, улар бугунги ёшлар ҳаётида ҳам алоҳида ўрин тутмоғи лозим.



Хусан Тўғиёзов олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT XALQARO AEROPORTI**

Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26

www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**

**MULKDORGA HANKORI**

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74

WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР**

Хизматлар лицензияланган



# Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

## ЖУРНАЛИСТ, ҲУҚУҚ, БУРЧ

ёки журналистикада ихтисослашув истиқболлари ҳақида



**Бугун ҳаётигимизда бир-биридан муҳим шундай ижтимоий-сиёсий жараёнлар юз бермоқдаки, уларга шу кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо бериш ОАВ ходимларидан ҳар қачонгиздан-да масъулиятли ёндашувни талаб этмоқда. Яъни, ҳолислик ва ҳаққонийлик тамойилларига амал қилиш, воқеаларни ёритишда маҳорат ва ихтисослашув масаласи... Мустақиллик йилларида мамлакатимизда биргина ҳуқуқий соҳада қатор ислохотлар юз берди. Уларни англаш учун шу мавзуда қалам тебратувчи журналистлар нималарга эътибор беришлари лозим? «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси Муаттар АСҚАРОВА билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.**

— Журналист ихтисослашиши керакми-йўқми, деган саволнинг кун тартибига қўйилганига анча бўлди. Бундан бир неча йил олдин муҳтарам Президентимиз ҳам мазкур масалага ўз муносабатини билдириб, унинг гоёт долзарб аҳамиятига эътибор қаратган эдилар. Бугун ҳақиқатан журналистлар маълум маънода ихтисослашяпти. Улар ҳуқуқни, иқтисодни, маданиятни ва бошқа соҳаларни ёритувчи журналистларга ажралмоқда. Аслида журналист бирон-бир соҳани мукамал эгаллаб, унга чуқур кириб борса, бу нафақат ўзининг фойдаси, балки жамиятнинг ҳам ютуғидир. Айниқса, ҳуқуқ соҳасида қалам тебратётган ҳамкасбларимиз олдида жуда катта масъулият бор. Масалан, ҳуқуқ ва бурч, мувоzanат деган талаблар ҳар бир журналистдан катта маҳорат талаб қилади. Шу боис ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай тоифадаги жиноят иши бўлсин унга ёндашишда ҳаммаси ҳуқуқ нормалари, мавжуд қонун-қоидалар асосида амалга оширилиши керак, инсон ҳуқуқлари топталмаслиги лозим. Демократик, ҳуқуқ соҳасини ёритувчи журналистлар кўпроқ низоли ҳолатларга дуч келади. Айниқса, мулкчи низоларда жуда катта талашув-тортишув бўлади. Мана шуларни ёритаётганда журналист иккала томонни чуқур ўрганиб, ҳужжатларни синчиқлаб кўриб, обдон тарозига қўйиб, қонун талабларидан келиб чиқиб, ишнинг мохиятини аниқ фактларга таяниб кўрсатиб бе-

риши керак.  
Шу ўринда мен журналистларда барибир ҳиссиётга берилиш борлигини айтмоқчиман. Масалан, ҳузуригизга келган шикоятчи қаршингизда йиғлаб, дод-вой қилиб турса, раҳмингиз келади. Шунда унга кўпроқ ён босиб, иккинчи томонга жабр қилиб қўясиз.  
Ҳолбуки, бу ҳолат менинг ҳам бошимдан ўтган. Бир томоннинг ёнини олиб, иккинчи томоннинг дилини орғитиб қўймадимми, деб қийналиб юрган пайтларим ҳам бўлган. Кейин ҳуқуқий билим олиш мақсадида Тошкент давлат юридик институтига кириб ўқидим. Кўглаб суд жараёнларида қатнашиб шуни англадимки, ҳеч қачон ҳулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Ҳар қачон ўз ҳақиқати бор. Масалан, дардини айтиб келган киши мен ҳақман деб ўйлайди. Лекин иккинчи томонни эшитсангиз, у ҳам ўзига яраша ҳақ, қатор далиллар келтиради. Шунда журналист олдида катта масъулият турадики, ҳиссиётга берилмай икки томонни ҳолисона эшитиб, келтирилган ҳужжатларга таяниб, фактларни тарозига солиб, сўнг ҳулосани томошабинга ташлаши керак.  
Бир мисол, судьянинг «қўзи кўр» бўлиши керак деймиз. Нега? Чунки бир томоннинг илтижосига берилиб ён босмаслиги, иккинчи томоннинг қўлимиздан нафратланиб, жабр қилиб қўймаслиги жоиз. Икки томонни ҳам тинглаб, адолат юзасидан ҳулоса чиқариши лозим. Ҳуқуқий соҳани ёритаётган журналистларда ҳам

мана шунчака яхши маънодаги совокхонлик бўлиши тарафдориман.  
— **Базан шикоятчи қандайдир мансабдор шахс устидан арз қилиб келади. Шикоятчи оддий фуқаро, иккинчи томон эса ваколатли шахс. Яна ҳар томонлама устунликка эга. Бунда, назаримизда кучлар тенгсиздай. Мана шу жойда журналист нималарга эътибор бериши керак?**  
— Биласизми, бу жудаая катта муаммо. Уни битта журналист маҳорати билан ёчиб бўлмайди. Назаримизда бу нафақат халқнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, балки масъул мансабдор шахслар, раҳбарларнинг қонунга бўлган ҳурмати, қонунга бўлган иттифоқ шакллантириш билан амалга ошириладиган, узоқ давом этадиган жараён. Халқимизда даъвогар суст бўлса, қози мутахам бўлади, деган мақол бор. Одам нафақат қабул қилинган қонунлар доирасида керакли жойга мувожаат қилишни ва ўзининг ҳуқуқини ҳимоя қила билиши, балки уни амалда қўлай олиши лозим.  
Афсуски, ҳуқуқимизни яхши билан деб мақтанолмаймиз. Бизнеснинг мақсадиимиз тайёрлаётган материалларимиз билан халқда ўзининг ҳуқуқини билиш истагини, иштиёқини уйғотишимиз керак. Ҳаётда қузатсангиз, ўз ҳуқуқини билладиган, ижтимоий фаол одамдан ҳар қандай раҳбар ҳам чўчиди. Демак, бизнинг энг катта қуролимиз — фаолитимизни халқнинг ҳуқуқий савод-

хонлигини ошириш, маданиятини юксалтиришимиз керак. Одамларда қанчалик ўз ҳуқуқини билишга интилиш кучайса, нарийи томон ўз-ўзидан ортга чекина бошлайди.  
— **Ҳуқуқий соҳани ёритадиган журналистларда юридик маълумот бўлиши керакми?**  
— Ҳозир журналист учун икки ёки учта соҳа бўйича маълумот эга бўлиши ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Имкон бўлса ўқиган маълум, йўқса, ўша соҳага оид адабиётлардан фойдаланиш орқали ҳам мақсадга эришиш мумкин. Айнан ҳуқуқ соҳасига келсак, Республика юристлар малакасини ошириш ҳамда Бош прокуратура ҳузурида қонунчилик муаммоларини ўрганиш, прокурор, тергов ходимларини қайта тайёрлаш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг имкониятидан фойдаланиб, ҳуқуқий мавзуда ёздиган журналистлар учун ўқув курслари ташкил қилиш мумкин.  
Журналист кўп қиррали бўлиши керак. Барча соҳадан муайян билимга эга бўлиши лозим. Журналистика шундай соҳаки бўлди мен ўз касбимни мукамал эгалладим, деб бўлмайди. Журналист ўз устида ҳар қачон ишлаши, ўрганиши, тақомиллашиб бориши керак. Даврдан бир қадам олдида юриши ва халқ ишончига муносиб бўлиши лозим.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**  
суҳбатлашди.

## УСТОЗЛАР ҲАҚИДА СЎЗ



Бундан ўттиз йиллар муқаддам устозларимиздан бири — раҳматли Холбек ака Ёдгоров тахрират йўлагиди турган икки-уч нафар ёш журналистлардан сураб қолдилар.  
— Хозиргина мен қузатиб қўйган кишини танийсизларми, Зиёд Исромович бўладилар: Республикаимиз Матбуот кўмитаси раиси... Ижод, ва ҳаёт йўли жуда ибратли...  
У газета эшигини шунчаки орзу билан эмас, қатъий ишонч билан қоққан ижодкорлардан, — қўшиб қўйди Холбек ака яна. — Газета таҳмалларини олиб қаранглар, публицистик мақолаларни, чиройли очеркларни, лавҳаларни, репортажларни бор...  
Устоз даъвати билан ўшанда хозирги «Ўзбекистон овози» газетасининг 40-50 йиллар тах-

ламлирини бир-бир варақлаб чиқдик. Дарвоқе, ўшанда у кишининг имзолари билан чиққан қатор публицистик мақолаларни кўриб, улардаги қисқа жумлалар, тиниқ фикрлар, чиройли ўхшатишларнинг рангдорлиги ва ҳусндорлигига ҳавас қилганимиз...  
...Яқинда умрининг саксон бешинчи баҳорига пeshвоз чиққан Зиёд акани ўчратиб қолиб, матбуотимизнинг бугунги ишлари ҳақида суҳбатлашдик.  
— Сепларга ҳавасим келади, бу кунларнинг қадрига етинглар, — деди устоз. — Хозирги имкониятлар, шароитлар бизнинг тушимизга ҳам кирмаган. Яхшилаб ўйланглар, Юртбошимиз матбуотга қанчалик кўп эътибор берапти. Ҳар йили журналистларга табрикларини ҳаяжонланиб қайта-қайта қўйман. Эътибордан, ишондан гурурланиб кетаман. Қанқиди ёш бўлсам, елиб-югуриб мустақилликка хизмат қилсам дейман...  
Унинг гаплари ўша кезлардагидек дадил, аниқ, тиниқ, шoirно қояна ва оҳангдор овоз билан ширин тиллақлар билдиради: «...ўка, мақолангни ўқидим, доим соғ бўл, оилангга тоғ бул, ижодда бог бўл. Ишонгини поклаб, ишончини оқлаб, ҳақ сўзини ёқлаб юр...»  
Рухланиб кетасан киши! Одат-

да, ҳаётда ҳар бир соҳанинг бошқаларни руҳлантириб турадиган шундай ўз даргалари, ўз маёқлари бўлади. Таъбир жоиз бўлса, Зиёд ака ўзбек миллий журналистикасининг ана шундай даргаларидан...  
...У бир миңг тўққиз юз йигирма биринчи йил Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, дастлаб матбуот билим юртида, кейин «Газетачилик мактаби» деган нуфузли мактабда таълим кўрди. Илк мухбирлик фаолиятини Самарқандда бошлади. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилди...  
Урушдан сўнг аввалгага жамоат ишларида хизмат қилди. Сўнгра яна газетачиликка қайтди. Хозирги «Ўзбекистон овози» газетасида бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлади. «Тошкент ҳақиқати» газетасининг муҳаррири бўлди. Кейин яна «Ўзбекистон овози»га бош муҳаррир бўлиб қайтди. Салкам чорак аср Ўзбекистон журналистлар уюшмасини, йигирма йилдан зиёдроқ Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасини бошқарди. Республикада матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси,

«Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири...  
— Зиёд ака матбуотда фаол қатнашиш билан биргаликда ўндан зиёд китоблар ёзди, — дейди «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири Ҳамиджон Султонов. — «Ўзбекистонда китоб нашрчилик ишлари», «Ассалом, китоб!», «Кўздан йироқ, дилга яқин», «Ўзбекистоннинг оммавий ахборот ва тарғибот-ташвиқот воситалари», «Давлат аппарати ишонининг асосий принциплари» сингари бадиий, илмий-амалий китоблар ва рисоалари устоз ижоди маҳсули. Ва яна, уч жилдик «Матбуотимиз фидойилари» номли тўпламлар ҳам устоз қаламлари маҳсули...  
Отахон журналист, меҳрибон мураббий Зиёд ака Есенбоев меҳнатлари ҳуқуқимиз ва жамоатчилик томонидан кўп бор эътироф этилган. Унинг кўксини Истиқлол йилларида олган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Жасорат» медали беэзаб турибди... Бугунги байрам муносабати билан Зиёд ака Есенбоев тимсолида барча устозларимизни қўллаб, уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз деган тилак ҳар биримизнинг кўнглимиздан ўтиб турибди.

**Замон АЛИ**



Суратда: «Тахлилнома» кўрсатуви бошловчиси, таниқли тележурналист Наврўз Ризаев (ўнгда) ҳамкасблари билан.

## «АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT БАНКИ ЖАМОАСИ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриёт ходимларини самимий муборакбод этади.



Сиз азизларни, касб байрамингиз билан қутлаб, машаққатли, айнаи дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.



## БАЙРАМГА АЙЛАНГАН КУН

Таниқли олим, кўп журналистларнинг устози Тоҳир Пидяев ҳақида ўйлаганимда, кўз олдимга илм заҳматкашларидан бири, бутун ҳаётини ўзбек журналистика тарихига бағишлаган фидойий инсон келади. Унинг ўзбек матбуоти тарихи борасида олиб борган изланишлари «Чўлпоннинг журналистик фаолиятига бир назар», «Истеъдодли муҳаррир», «Йўл сўнгиди жарлик», «Тарих билан юзма-юз», «Мозий лавҳалари», «Ўзбекистон матбуотининг ўтмиши ва кечмиши», «Олий журналистика таълими» тақомиллаштириш замон талаби каби китобу мақолаларда ўз аксини топан. Бу фундаментал тадқиқотлар соҳа мутахассислари учун ҳаммаша қадридлир.  
Тоҳир Пидяев ҳақида гап кетса, унинг шогирдлари, ҳамкасблари «Халқ сўзи»-да чиккан «Тараққий» газетаси ташкил топган сана ўзбек миллий матбуоти кунини, деб эълон қилинса. Унинг биринчи сони 1906 йилнинг 14 июнида чоп этилган» сарлавҳали мақоласини тилга олишда (14 июнь янги сана бўйича 27 июнга тўғри келади).  
Ундаги қуйидаги фикрлар эса кўзичини бефарқ қолдирмаслиги тайин:  
...«Туркистон вилоятининг газети» ёпилгач, ўзини техник вилоятининг базиси асосида Исмоил Обидий муҳаррирлигида «Тараққий» — янги рўзнамаси дунёга келди. Газетанинг шiori «Наҳот: маслақда собит, тўғрилик ижобати» бўлган. «Тараққий» илк сонлариданоқ маҳаллий халқ орасида эрк, хуррият, истиқлол гоёларини тарқатишга интилд.

## ҲОЗИРҶАВОВ ВА ТЕЗКОР ВОСИТАНИНГ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Кунини кеча Тошкент вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида ўтказилган семинар-тренинг айнаи шу масалага бағишланди. «Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириши — демократик аниқликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг аркинликларини таъминлашнинг муҳим шартидир» деб номланди.  
Ушбу семинар-тренинг вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Езувчи-

лар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журналлар, радиотелевидение мухбирлари, вилоят даврий нашрлари вакиллари, бооманоналар ва матбаа ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.  
Бугунги кунда пойтахт вилоятда 45 номдан зиёд газета ва журналлар тахриратлари, элликка яқин матбуот корхоналари ва бўлиmlари, бир қатор телерадио студиялар фаолият кўрсатмоқда.  
Ҳаётимизда шу кеча-кундузда юз бераётган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ мазкур оммавий ахборот воситалари бугунги кун руҳида яшяптими? Мамлакат ва вилоят ижтимоий-иқтисодий жаҳаларида юз бераётган ўзгаришлар жараёнида уларнинг ўрни қандай? Халқимизнинг тезкор ахборотта бўлган эҳтиёжи қай даражада қондирилляпти? Семинар-тренингни диққат-эътиборини айнаи шу масалалар ечими ҳамда журналист масъулияти, бурчи ва маънавий-маърифий ишларни қунайитиришда ОАВларнинг ўрни, шунингдек, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларига қаратилди.  
Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси Хуршид Дўстмухаммедов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов мазкур масалалар юзасидан йиғилганларга атрофлича сўзлаб беришди.  
Тадбир сўнгиди вилоят ижтимоий ҳаётини дахилда ўрнак кўрсатган бир қатор журналистларга вилоят ҳокимлиги ва ҳўмийлар томонидан таъсис этилган мукофотлар топширилди.  
**Соҳибжон САЛИМОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

«Кураш — миллат ғурури» танловига ЎЗБЕК КУРАШИ

Боболарим белларида белбоғ бўлган, Момоларим яшаган жой гулбоғ бўлган, Ва улардан мерос қолган бу Ватанинг — Ингитлари — ботири, қизи — гул, моҳ бўлган.

Сунянишиб ўз кучи ва орларига, Кураш тушиб, етишганлар ёрларига, Ҳу тоғларнинг бургутлари, сорларига — Мардик, Ватан дарсларини бермоқ бўлган.

Шайламаган тилларини куруқ сўзга, Ватанинг тупроғини суриб кўзга, Шу эли деб, шу юртини деб, демай ўзга — Бир-бирлари билан эту тирноқ бўлган.

Ким билмайди ул Паҳлавон Маҳмуд номин? Билганида бунёд этган юртининг шонин, Ашборлари мардлар учун асли қонун, Уз кучига тани метин қирғоқ бўлган.

Орияти баланд, сўзи ундан пастмас, «Тили ботири» рақиб билан гап талашмас, Шоирини шу: «Жасурларга жанг ярашмас — Курашларда ким қимлигин билмоқ» бўлган.

Ўзини мард санаганлар майдон келин, Фарқи ҳам йўқ — давogar ким, қайдан келин? Фақат дилга ҳалолиқини жойлаб келин, Шу шарт билан майдонларга кирмоқ бўлган.

Сўзларим ҳам сал олисдан бошлангандай, Курашда кўзларим ҳам ёшлангандай? Сизга нима, бўлса агар қачон, қандай?! Соиларнинг ҳам тақдирини ирмоқ бўлган.

Ўша ирмоқ буғун яна пишқирмоқда, Гудак болам бармоқларин мушт қилмоқда, Тумларда бобоқоним жўш урмоқда, Келаверсин «Ўзбек ким?» деб сўрмоқ бўлган.

Ўз қаддини яна тиклаб олиб, бу юрт, Тангри берган Абдуллани толиб бу юрт, Кураш билан ҳайратларга солиб бу юрт — Олим сари мардондор бормоқ бўлган.

Озод руҳда таниялган ўзлимни, Йўғон билан, ёвқур, лочин кўзлимни, Дунё билди буғун битта сўзлимни, Пишиб қолди устимдан кулмоқ бўлган.



Англиш қийин зимдан қоқиб, зимдан сўраб, «Бу сўзларни ёздинг, деманг, қимдан сўраб?» Мағрурликни жасур Юртобшомидан сўраб, Бир ниятими ўзимга бек бўлмоқ бўлган.

«Мард майдонда синалади» деган гап бор, Мухаммадининг умматиман, Эгам — Жаббор, Билганида кучим бору ул мададор, Айб мендамас, мағлуб бўлса енгмоқ бўлган.

Ўн беш йилки ўзбегимнинг давронлари — Давом этар, кўкка туташ нарвонлари, Юлдуз санаб ётмас ўзбек полонлари — Рақибимнинг кўзларида кўрмоқ бўлган.

Ўзр сўраб, «келса агар малол» дейди, Дунё буғун «чала, ёнбош, ҳалол...» дейди, Камтар бўлинг, «камтарларга камол...» дейди, Нақли буғун ақлим учун зўр наф бўлган.

Шахтими баланд, тоғ ошман, қир ошман, Кимни кўрсам ўз тилимда сўрашман, Айтиб кўяй, мен ўзбекча курашман, Менга бунда аждодларим ўрнак бўлган.

Боболарим белларида белбоғ бўлган, Момоларим яшаган жой гулбоғ бўлган, Ўзбегимнинг мендай шоир боласининг — Бир қўлда шеър, бир қўлида байроқ бўлган!

Ориф ТҶҲАШ

ЧЕМПИОНЛИККА ДАЪВОГАРЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Чорак финалда кучли саккиз жамоа курашни давом эттиради

Кеча бўлиб ўтган учрашувлардан ташқари яна ўнга ўйиндан кейин жаҳон чемпионатида яқун ясалади. Сўнгги ўйинларнинг ҳар бири нисбатда мароқли ва завқли экани билан мухлисларни ром этмоқда. Хусусан, нимчорак учрашувларининг қизгин ва муросасиз давом этаётгани кўпчиликти давом уйғотмоқда. Масалан, Саудия Арабистони шахзодаси Ал-Валид Абдул Азиз Ал-Сауд Африка мамлакатлари орасида биринчи бўлиб нимчорак финалга чиққан Гана футболчилари 100 минг доллар миқдорида муқофотлашга қарор қилди.

Чемпионатнинг чорак финалига йўллангани биринчи бўлиб Германия футболчилари қўлга киритишди. Улар Швеция жамоаси билан қизгин курашда ғалабага эришди. Германия футболчилари устози Юрген Клинсман мазкур учрашув олдида: «Биз учрашув тақдирини белгиланган кўшимча вақтга олиб бормай, ўйиннинг асосий ўзагида масалани ҳал этишга ҳаракат қиламиз», деган эди. У айтганича бўлди. Моҳир футболчи Мирослав Клозе иккита химоачини усталлик билан алдаб ўтиб тўпни жамоадоши Лукаш Подольскига йўлади. Ўйиннинг тўртинчи дақиқасида ана шу ҳаракат ўз самарасини бериб, швед дарвозабони Исакссонни доғда қолдирди. Германия 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Орадан

саккиз дақиқа ўтгач, Клозе — Подольски ҳамкорлиги яна иш берди. Ҳисоб 2:0га етди. Шведлар ҳам буш келишмади. 52-дақиқада улар ҳисобни қисқартиришлари мумкин эди. Ҳакам қўполлик учун ўн бир метрли жарима белгилади. Лекин, ҳужумчи Ларссон нишонга олишни эпломлади. Шундай қилиб, чемпионат мезбонлари ғалаба қозониб, чорак финалга йўлланма олишди.

Аргентина — Мексика учрашувини мухлислар узоқ вақт эслаб юрисса керак. Чунки, бу ўйинда ҳисобни мексикаликлар очиди. 6-дақиқада Маркес дарвозани аниқ нишонга олди. Орадан тўрт дақиқа ўтгач Лотин Америкаси футболчилари ҳисобни тенглаштиришга эришди. Креспо ўзини кўрсатди. Танафусдан кейин аргентиналиклар футболчилари

Савиола жамоани олдинга олиб чиқиши мумкин эди. Лекин мексикалик дарвозабон Санчес маҳорат кўрсатиб, кучли зарбни даф этди. Шу тарихида учрашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди. Кўшимча вақтнинг 98-дақиқасида Родригес чемпионатдаги чиройли тўплардан бирини киритиб, Аргентинага ғалаба келтирди.

Таниқли футболчи Дэвид Бекхэм Англия терма жамоасини чорак финалга олиб чиқди. Чунки у киритган ягона тўп инглиз футболчиларига зафар келтирди. Англия жамоасининг Эквадор футболчиларига қарши ўтказган ўйинида гарчи биттагина тўп киритилган бўлса-да ўйиннинг ҳужумкор руҳи давом этгани, ҳар иккала томоннинг мудофаада маҳкам тургани билан эса қолди.



Афсуски, Португалия ва Голландия терма жамоалари учрашувига ўзига хос тус олди, десак муболаға бўлмас. Чунки, россиялик ҳакам Иванов бир эмас, тўрт нафар футболчиға қизил картонча кўрсатишга мажбур бўлди. Боиси, аламзада голландлар қўполлиги йўл қўйишди. Португаллар ҳам улардан қолишмади. Оқибатда голландлардан Халид Буларуз, Жовани ван Бронхорст ҳамда португаллардан Дек ва Коштинейлар ана шундай жаримага «сазovor» бўлишди. Голландларнинг хатосидан фойдаланган португаллар эса дарвозани нишонга олиб ғалабани олиб кетишди. Шундай қилиб, дастлабки нимчорак финал учрашувларидан кейин Германия — Аргентина, Англия — Португалия жамоалари навбатдаги босқичда курашни давом эттирадиган бўлишди.

Кеча Италия — Австралия ва Швейцария — Украина жамоалари ўртасида нимчорак финал ўйинлари ўтказилди. Бугун эса Бразилия — Гана ва Испания — Франция футболчилари майдонга тушадилар.

Ҳайдар НОСИРОВ, Раҳман ШОДИЕВ



2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

ЯНГИ УСУЛЛАР АСОСИДА

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу тизимни замонавий тиббий асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар билан таъминлаш масаласи эса ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Тўғридан айтганда, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳусусий шифохоналар фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Лекин уларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати қай даражада? Одатдаги шифохоналардан бундай масаланинг фарқи қандай? Пойтахтимиздаги «Монада Амон» тиббий маркази директори, тиббий фанлари номзоди Омон ХҶҲАЕВ билан бўлган суҳбатимизда ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.



Янги китоб

«ТАРИХНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ»

Халқимиз бошига турли синов ва қуфатларни солган собиқ шўролар тузуми ўрта Осиё ҳудудиде ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида мустамлакачилик сиёсатининг энг ашаддий усуллари қўлланган эди. Яъни, ўз озодлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга тайёр бўлган ерли аҳолини зўрлик билан бостириш, уларни ҳадик ва кўрқув муҳитида сақлаш, ҳурлик ғояларига содиқ тараққиётпарвар кишилари аёвсиз қатағон этиш орқали мамлакатни забунлиқда ушлаб туриш совет тоталитар тузумининг истибод қиличиға айланганди. Қолаверса, миллатни ўзлиги-ў тарихий ўтмишидан жудо қилиб, шу йўл билан халқларни тобе қилиш ғояси ўша тузум қорчалорини томонидан амалга оширилган пинҳона тажовуз эди.



Тан олиб айтиш керак, бугун мозий ҳақиқатларини ўрганиш борасида бир қатор муаммолар, тарихимизнинг ҳали биз ўқиб улгурмаган саҳифалари мавжуд. Ҳам асосан бу ҳақиқатларнинг тарихимизнинг ҳали биз ўқиб улгурмаган саҳифалари мавжуд. Ҳам асосан бу ҳақиқатларнинг тарихимизнинг ҳали биз ўқиб улгурмаган саҳифалари мавжуд.

мачилик ҳаракати» дея талқин этилди, бу ҳаракат намоедаларининг шу давргача илмийлик тамойилидан келиб чиқиб, тўла ўрганилмади. Мазкур китобда муаллифлар Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Украина архивларида сақланаётган материаллар асосида тарихимизнинг узоқ йиллар бузиб кўрсатиб келинган бу қиррасига янгича нуктаи назардан ёндашадилар. Тан олиб айтиш керак, бугун мозий ҳақиқатларини ўрганиш борасида бир қатор муаммолар, тарихимизнинг ҳали биз ўқиб улгурмаган саҳифалари мавжуд. Ҳам асосан бу ҳақиқатларнинг тарихимизнинг ҳали биз ўқиб улгурмаган саҳифалари мавжуд.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ҚИШЛОҚ ХҶЖАЛИГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллеж 2000 йилда замонавий услубда таъмирланган бўлиб, унга энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. 750 ўринли бинода талабалар учун барча қўлайликлар яратилган. Касб-ҳунар коллежиде қуйидаги мутахассислар тайёрланади.

- 1. Чорвачилик ва фермер хўжалигини юритиш;
2. Ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалигини ташкил қилиш;
3. Иссиқхонада хилма-хил ўсимликлар етиштириш;
4. Агрономлик;
5. Автотракторлик;
6. Қишлоқ хўжалик механизмини таъмирлаш ва жиҳозлаш;
7. Газ таъминоти жиҳозларини таъмирлаш ва пайвандлаш;
8. Ветеринария;
9. Қандолатчилик;
10. Дурдоғорлик;
11. Токарлик.

Бундан ташқари, талабаларга «ВС» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам берилади. Амалиётни ўтатиш учун эса коллеж ҳудудида замонавий технологиялар билан таъминланган устахоналар мавжуд.

- Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни тошширадилар:
1) Директор номига ариза;
2) Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси);
3) Тиббий маълумотнома — 086-У шаклида;
4) 8 дана 3x4 шаклидаги фотосурат;
5) Паспорти ёки туғилганлиги ҳақида маълумотнома (нусхаси);
6) Меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
7) Яшаш жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар қабул қилиш муддати 20 июндан 1 августгача. Манзил: Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Ғафур Гулом кўчаси, 10-уй, тел: (8362) 512-61-26.



Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан 2006 йил 20 июнда Чилонзор Халқ таълими бўлимига берилган ўрта маълумот ҳақидаги О'Р-Ш №0531781, 0531782, 0531783, 0531784, 0531785, 0531786, 0531787 рақамли 11-синф шаходатнома бланкалари, умумий ўрта маълумот тўғрисидаги У №2284926, 2284927, 2284928, 2284929 рақамли 9-синф шаходатнома бланкалари йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Navigation menu with categories: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV, Alimqul SULTONOV, Bosh muharrir o'rinbosari: Andy ORLOV, Bosh muharrir o'rinbosari: Galos Uzbekistana, Norbobo SHAKAROV, Nomoz SA'DULLAYEV, To'lo'pbergen QAIPIBERGENOV, Muslihdin MUHIDDINOV, Olim MURODOV, Abdug'ani MAMASO'DIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTAN XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Ekologiya va salomatlik, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 70000, TOSHKENT, MATBUO'TCHILAR KO'CHASI, 32-UY, Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV, Gazeta O'zbekiston ovozi-ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV, «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'biyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, 850, 10942 nusxada bosildi, Tuzilgan material, O'ZA yakuni — 21.20, Topshirish vaqti — 22.20, Sotuvda erkin narxda.